



БУРАМА ШОХЛИ ТОҒ ЭЧКИЛАРИ – МОРХЎРЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ
КУЗАТИШЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР.

Турсунов Тоштемир

Сурхон давлат қўриқхонаси Хатак бўлими қўриқлаш ходими

Шониев Бобур

Сурхон давлат қўриқхонаси Хатак бўлими қўриқлаш ходими

Аннотация: *Мақолада кам ўрганилган бурама шохли тоғ эчкиси ёки морхўр ҳақида кузатиш ва таҳлиллар қайд этилган. Мазкур турнинг дунё бўйича жуда камлиги ва уни сақлаб қолиш муҳим масалалардан эканлиги мавзу устида ҳали кўплаб тадқиқотлар олиб бориш зарурият эканлигини ва айни пайтда долзарб эканлигини билдиради.*

Калит сўзлар: *“Бухоро ёки Тоғжик морхўри”, Сурхон давлат қўриқхонаси, Кўҳитанг тоғ тизмаси, Боботоғ, морхўрлар шохи, ИИ жаҳон уруши, “Кўргон”, Туркменистон, Хатак бўми, Етимтоғ массиви, “тузруқхона”.*

Морхўр - жуфт туёқлилар туркуми, кавш қайтарувчилар кенжа туркуми, қовушшохлилар оиласига киради ва ушбу кенжа турнинг илмий номи *Capra falconeri* бўлиб, бизда “Бухоро ёки Тоғжик морхўри” деб юритилади.

Бурама шохли тоғ эчкиси ёки морхўр тоғ эчкилари авлодига мансуб бўлиб, Ўзбекистонда табиий ҳолатда фақатгина Сурхон давлат қўриқхонасида сақланиб қолган, Халқаро ТМХИ Қизил рўйхатига киритилган[НТ], йўқолиб кетиш ёқасида турган, локал кенжа турдир.

Морхўр деб аталишида форсча “Мор – илон, хўр – ейиш” , яъни “илон еювчи хайвон” деган маънони англатади, лекин ҳақиқатдан анча йироқ, чунки морхўрлар ўтхўр хайвон ҳисобланади. Бундан ташқари, морхўр деб аталишига уларнинг шохи илонга ўхшаш бўлгани сабабли ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда фақатгина Кўҳитанг тоғ тизмаси ҳудудида учрайди. Айрим адабиётларда Боботоғда ҳам кам сонли учрайди деб қайд этилсада, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Боботоғ ҳудудида морхўрлар ҳозирги кунда умуман йўқ, чунки ўтган асрнинг 50-йилларида батамом қириб ташланган.

Мазкур тур Кўҳитанг тоғининг тошқияли, юриш қийин бўлган тошли, тошкарнизли, сийрак арчазорли ёнбағирларида денгиз сатҳидан 1500-2500 метр баландликларида, ёз фаслида унданда баландроқда яшайди (бундай шароитда яшаш уларнинг бугунги кунгача етиб келишининг асосий сабаби бўлиб, рақиблар учун таъқиб хавфли ҳисобланади). Қишда қалин қор қопламидан қочиб, пастга денгиз сатҳидан 1300-1100 метр баландликкача тушиб келади, бунинг сабаби баландда озуқа олишнинг қийинлашуви, баҳорнинг пастдан бошланиши, ўтларнинг пастликдаги кунгай жойларда ўса бошланиши каби омиллардир.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



Дунё экологик муҳитидаги салбий ўзгаришлар морхўрларни ҳам четлаб ўтмаган, шу сабабли ҳам уларнинг сони кўпроқ гўшти ва камроқ антиқа шохига бўлган талаб оқибатида кескин камайиб кетган. Бундан ташқари, 1970-йилда ва 2014-йилда морхўрлар орасида тарқалган юқумли касаллик ҳам уларнинг сонига жиддий салбий таъсир кўрсатган. Лекин ҳозирда ишнинг яхши йўлга қўйилиши натижаси ўлароқ, морхўрлар сони Сурхон давлат кўриқхонасида 600 бошдан ошади ва буни ижобий тенденцияга эга ҳолат дейиш мумкин.

Морхўрларда гавда компакт, бичими жуда хушбичим ва эркаги урғочисидан йирикроқ, тана узунлиги 140-170 см, яғрин баландлиги 100 см, тирик вазни 80-120 кг атрофида бўлиб, эркин ҳолатда ўртача 10-12 йил, тутқунликда 19 йилгача яшаши қайд этилган. Уларни салобатли кўрсатадиган беагаи - бу “ажабтовур шохлари” ҳисобланади. Шохлари 3-4 йилда бир марта спиралсимон ёки винцимон бурама ҳосил қилади ва кўпгина дунё қайдларида ёши жуда катталарида 1,5 м гача бўлади дейилган, лекин Сурхон давлат кўриқхонаси тарихида 70 см гача, чекка қирраси бўйлаб 110-115 см гача учраши қайд этилган. Ёши ҳам шохлари бурама сони билан ўлчанади.

Урғочилари калтароқ 80 см гача, вазни ҳам 40-60 кг гача, шохлари қисқа 30 см гача ва орқага қайрилган бўлади.

Тери ранги ўзгарувчан, иссиқ мавсумда қуриган ўтларнинг рангига, совуқ фаслда тоғ-тошларнинг рангига киради, оёқлари тиззасигача оқ ёки ола (халқ тилида олапойча ёки оқбилак), қорни оқ, тоғли ҳудудлар фонида кўзга ташланиши қийинроқ, гўё маскировка қилингандек таассурот уйғотади ва жунлари калта, текис, фақат кўкрак қисми ва соқоли узун бўлади.

Морхўрлар боши кичик ва енгил, қулоқлари ҳам нисбатан кичик ва тик, хонаки эчкиларда эса қулоқлар катта ва осилган бўлади. Морхўрлар узокқа югура олмайди (*яқин масофа югуришда тенги йўқ*), итлар билан қувиб кўрилганда ярим километрда нафаси тикилиб йиқилгани кузатилган, бу эса уларнинг камчилиги, бу нарса тоғ-тошларда тезгина кўп югурмасдан душмандан қутулиш орқасидан пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Улар қандай қилиб қон қуяди ва наслни бир хил кўринишда сақлаб қолади? Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: урчиш мавсумида Туркманистондан энг яхши, йирик, кучли такаларнинг келиши ва улар орқали қон қуйиш ҳамда маҳаллий энг зўр такаларнинг “урушда ғолиб” бўлиб, уруғлантириши натижасидаги “қон мустаҳкамланиши”нинг юз бериши, яъни монодурагай ёки қариндошлараро чатиштириш юз беради ва шу тариқа тур ўзининг белгиларини мустаҳкам сақлаб қолади, авлодларга бекаму-қўст ўтказади.

Морхўрлар подаларга бирлашиб ҳаёт кечиради. Асосан ноябрь-декабрь ойларида жуфтлашиш мавсумини ўтказиб, апрель-май ойларида болалайди (бу мавсум маълум сабабларга баъзан сурилиши ҳам мумкин). Морхўрлар серпушт ҳайвонлар бўлиб, дастлабки йилларда биттадан, кейинчалик иккитадан ва ҳатто учтадан насл беради. Бу қобилият ҳам турнинг сақланиб қолишидаги асосий хусусиятлардан биридир. Лекин 1



ёшли урғочи эчкилар, яъни тувчалар ҳеч қачон жуфтлашмайди ва туғмайди, лекин биламизки, хонаки эчкиларда тувчалар ҳам 100 % бўлмасда эрта туғилганлари 1-йилнинг ўзида насл беради.

Морхўрлар Сурхон давлат қўриқхонасида Кўхитанг тоғларида ўсадиган 32 тур ўсимликлар билан озиқланишини Қўриқхонамизда узок йиллар морхўрларни кузатган Т. Холиқов қайд этган. Айниқса, бодом ва бодомчаларнинг барглари ва новдалари уларнинг энг севимли емиши ҳисобланади. Баҳор серёгин келган йиллари морхўрларлар семиз, қурғоқчил йилларда нисбатан ориқ бўлиши кузатилган.

Урғочи морхўрлар туғилган жойини ташлаб кетмайди, лекин такалари сурдов, яъни жуфтлашиш мавсумида Туркменистон ва Ўзбекистон худудида кўчиб юради. Сурхон давлат қўриқхонаси Хатак бўмининг Етимтоғ массиви морхўрларнинг “туғруқхонаси” ҳисобланади, сабаби кўпинча морхўрлар шу ерда болалайди ва улоқларини шу ерда вояга етказди.

Қисқаси, морхўрларни химоя қилиш нафақат қўриқхона ходимлари иши, балки барчамизнинг вазифамиз десак, муболаға бўлмайди. Боз устига морхўрлар устида яна ҳам илмий изланишлар ва назоратни кучайтириш керак, натижада, уларнинг сонининг ошишига эришилади ҳамда илгари морхўрларнинг яна бир ватани бўлган Боботоғга, аниқроғи Кўхитангдан 50 бошини Боботоғ миллий табиат боғига ўтказсак, тез орада бу “ажиб” жониворларнинг тез кўпайишини таъминлаган бўлар эдик...

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сурхон давлат қўриқхонаси табиат солномаси 2016-2023-йиллар.
2. Т. Холиқов “Кўхитанг тоғларида учрайдиган ноёб қовушшохли ҳайвонларнинг экологик хусусиятлари” мақоласи.
3. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. II-том. Ҳайвонлар. Тошкент 2019 йил.
4. [http: /www. khovar tj/](http://www.khovar.tj/) 17.02.2015.
5. <http://www.avesta.tj>
6. *Койтандагский заповедник* — статья из Географической энциклопедии.
7. Аноним маълумотлар.